

"ТАСДИҚЛАЙМАН"  
Вилоят ҳокими ўринбосари,  
вилоят ҳокимлиги хузуридаги  
жамоатчилик Кенгаши раиси

М.Мамадиярова  
" " июнь 2024 йил

**Вилоят ҳокимлигидаги ўтказилган йиғилиш  
БАЁНИ**

**2024 йил 27 июнь**

**Навоий шаҳри**

**Раислик қилувчи:**

**М.Мамадиярова-вилоят ҳокими ўринбосари-  
жамоатчилик Кенгаши раиси**

**Иштирок этганлар:**

Вилоят ҳокимлиги хузуридаги жамоатчилик  
Кенгаши аъзолари (рўйхат бўйича).

**КУН ТАРТИБИ:**

**Коррупцияга қарши курашиш борасидаги чора-тадбирлар  
самарадорлиги тўғрисида**

*(Мамадиярова, Кенгаши аъзолари,..., Мамадиярова)*

Йиғилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари - жамоатчилик Кенгаши раҳбари М.Мамадиярова кириш сўзи билан очиб, иштирокчиларни ва йиғилишга таклиф этилганларни кун тартибидаги масалалар билан таништиргди.

Шу билан бир қаторда, вилоят ҳокимлигининг коррупцияга қарши ички назорат шўбаси масъул ходимларининг кун тартибидаги масалалар юзасидан ахборотлари тингланди.

Кун тартибидаги масала юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олиб, йиғилиш,

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Кун тартибидаги масалалар юзасидан вилоят ҳокимлигининг коррупцияга қарши ички назорат шўбаси мудири Ф.Хасановнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вилоят ҳокимлигининг коррупцияга қарши ички назорат шўбаси мудири Ф.Хасановга вилоят ҳокимлиги аппарат ходимлари учун “Коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини жамият тараққиётини кафолати” мавзусида ўкув семанар машғулотини ташкил қилиш вазифаси топширилсин.

3. Вилоят Адлия бошқармаси фуқароларнинг хукуқий онги ва маданиятини юксалтириш орқали жамиятда коррупциянинг ҳар қандай шакллари ва

кўринишларига тоқат қилмаслик мұхитини яратиш, бу борада маҳаллаларда ахоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бойирш вазифаси топширилсін.

4. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги жамоатчилик Кенгаши аъзолари ўзи раҳбарлик қилиб келаётган идораларда ходимлар ўртасида коррупциянинг жамият тараққиётига заарли оқибатлари хусусида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакилларини таклиф қилган ҳолда семинарлар ташкил қилиш вазифаси юклансин.

5. Вилоят ҳокимлиги матбуот хизматига коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилган ишларга оид маъқолаларни ОАВларда ёритиб бориш тавсия этилсін.

6. Мазкур йиғилиш баёнининг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдирман.

**Йиғилиш котиби**

Д.Гаффорова